

# Фикҳ дарслари (96-дарс). Таҳоратни бузувчилар



13:00 / 30.07.2020 8323

(биринчи мақола)

Бизда таҳоратни бузувчи нарсаларни «Таҳоратни синдирувчилар» ҳам дейилади. «Мухтасар»нинг соҳиби қуйидаги нарсаларни «Таҳоратни бузувчи» деб атайди:

?????????: ??? ?????? ????? ?????????????????? ????

????????? ?????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ???

????????????? ?????????????? ?????? ?????????? ????

????????? ?????? ?????????????????? ??? ?????? ?????????? ??????

????????????? ?????? ?????????? ?????????? ??? ??????????????

??????. ????? ?????? ?????????? ?????? ??????????.

????????? ??????????? ?????? ??? ????? ??????????

?????????? ?????????????????????? ??????????????????

????????????????? ?????????? ??? ?????????? ??????????????????

????????????????????? ?????????????????? ??? ??????

????????????????? ??????????????????.

Унинг бузувчиси: икки йўлдан ёки улардан бошқасидан чиққан нарса, агар у нажас бўлса ва покланадиган жойга оқса. Ёки суюқ қонни қайт қилиш, агар у билан тупуги қизарса. Агар у билан тупук сарғайса, ҳисоб эмас. Ундан (суюқ қондан) бошқасини қайт қилиш ҳам, агар оғизни тўлдириб чиқса. Балғам ташлаш асло таҳоратни синдирмайди. Бетаҳорат қилмайдиган нарса нажас эмасдир. Суянган нарсаси олиб ташланса, йиқилиб тушувчининг уйқуси. Ҳушидан кетиш. Жинни бўлиб қолиш. Балоғатга етган кишининг тўла-тўқис намозда қаҳқаҳали кулиши. Уят жойларнинг кийимсиз ҳолда бир-бирига тегиши.

Аёлни ва закарни ушлаш таҳоратни синдирмайди.

Энди таҳоратни бузувчи нарсалар ва баъзи ҳолларда бузмайдиган нарсалар ҳақида келган матнни шарҳ қилишга ўтайлик.

Дастлаб таҳоратни энг кўп бузадиган ва кўп такрорланадиган нарса ҳақида сўз юритилмоқда.

### 1. Икки йўлдан чиққан нарса.

Бу жумладаги «икки йўл»дан мурод инсоннинг олд ва орқа тараф жинсий аъзоларидир. Мазкур икки йўлдан одатда чиқадиган нарсалар: пешоб, ахлат, ел, мазий, вадий ва манийлардир. Одатдан ташқари чиқиши мумкин бўлган нарсалар: қурт, майда тош, қон ёки шунга ўхшаш нарсалар бўлиши мумкин.







???? ??????? ??????????».

Имом Дора Қутний Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир қатра, икки қатра қондан таҳорат қилиш йўқ. Илло, оққан қон бўлса, бор», деганлар.

Тишланганда қолган қон изи ёки мисвокдан кейин қолган қон изи ҳам таҳоратни кетказмайди.

Шунингдек, кўз, қулоқ, кўкрак беши ва киндик ичидаги ярадан ташқарига қон оқмаса таҳорат кетмайди.

Икки йўлдан бошқа жойдан чиққан нарса нажас бўлмаса, таҳорат кетмайди. Мисол учун, кўз ёши, тупук, мишиқ, сўлак, тер каби нарсалар таҳоратни кетказмайди.

3. Ёки суюқ қонни қайт қилиш, агар у билан тупуги қизарса. Агар у билан тупук сарғайса, ҳисоб эмас.

Яъни суюқ қон қусган одамнинг таҳорати кетади. Шунингдек, оғизни тўлдириб қуюқ қон қусилса, таҳорат кетади. Агар у оғизни тўлдирадиган даражада бўлмаса, кетмайди. Аммо қон аралаш бошқа нарса қусса, қандоқ бўлади? Агар тупук қизғиш рангли бўлса, таҳорат кетади, чунки бу ҳолатда қон бошқа нарсдан ғолиб бўлади ёки тенгма-тенг бўлади. Аммо тупукнинг ранги сарғиш бўлса, таҳорат синмайди. Чунки бу ҳолатда қондан бошқа нарса ғолиб бўлади.

4. **Ундан** (суюқ қондан) **бошқасини қайт қилиш ҳам, агар оғизни тўлдириб чиқса.**

Оғизни тўлдириб чиққан ҳар бир қусуқ таҳоратни кетказади. Бунда қусуқ таом, сув, қотиб қолган қон, сафро бўлиши мумкин.

???? ?????????? ?????? ?????? ?????????? ??????????:  
????? ?????????? ?????? ??? ?????? ?????? ?????: «?????  
????????????? ?????????? ?????? ?????????? ?????? ?????????? ??????  
????????? ?????????????????????? ?????????????????????? ??????????  
????????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??? ?????????? ???  
?????????????????» . ?????????? ?????????? ??????????.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимга намозида қайт, бурун қонаш, қусқи ёки мазий етса, чиқиб, таҳорат қилиб келсин ва гапирмаган бўлса, келган жойидан давом эттирсин», дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

???? ?????? ??????????????????: ?????? ?????????? ?????? ???  
????? ?????? ?????? ?????? ?????????????????? . ??????????  
????????????????????????????.

Абу Дардо розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қусдилар ва таҳорат қилдилар».

Термизий ривоят қилган.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, ошқозондан бир дафъада оғизни тўлдириб келган қусуқ таҳоратни кетказади.

Аввалги жумлаларда қон, қайт, балғам ва йиринг каби нарсалар ҳақида баёнотлар келгани ва уларнинг ичида бетаҳорат қиладигани ва қилмайдигани бўлгани учун, келаси жумлада бетаҳорат қилмайдиган нарсаларнинг ҳукми ҳам баён қилинмоқда.

### **Балғам ташлаш асло таҳоратни синдирмайди.**

Бунда балғам бошдан бўладими ёки қориндан бўладими, фарқи йўқ. Бунда балғамга таом аралашмаган бўлиши шарт.

Бетаҳорат қилмайдиган нарса нажас эмасдир.

Бунга оқмаган қон ва оғизни тўлдирмаган қусуқ мисол бўлади. Улар нажас бўлмагани учун, уларни пахта билан артиб сувга ташласа, сув нажас бўлмайди. Ёки ўша нарсалардан бир дирҳам миқдоридан кўпроқ миқдорда кийимга тегса ҳам намоз ўқиса бўлаверади.

*(Давоми бор)*

**«Кифоя» китобидан**